

Форс-тожик адабиётининг атоқли намояндаларидан бўлган Умар Хайём ижодий мероси туркий шеърятга, хусусан, улуғ ўзбек мутафаккир шоири Алишер Навоий ижодига кучли таъсир кўрсатганлиги, шубҳасиз. Масалан, Умар Хайём ўз рубоийларида моддий оламнинг бордан йўқ, йўқдан бор бўлмаслигини турли шаклларда, ранг-баранг образларда бадиий ифодалаган. Гарчи бизгача етиб келган тазкираларда Умар Хайёмга шоир сифатида таъриф ва тавсиф берилмаган бўлса-да, Шарқ мумтоз шеърятда риндона шеърлар деб юритиладиган туркумларда бу улуғ зотнинг самарали таъсирини пайқаш қийин эмас. Машҳур назариётчи олим Низомий Арузий 1156 йилда ёзилган “Мажмуан наводир” асарида Умар Хайёмни “Хужжат ул-ислом”, дея улуғлайди. Ўзининг илмий-филологик асарларини яратишда Низомий Арузийдан илҳомланган Навоий, демакки, Умар Хайём ҳақида муайян тасаввурга эга бўлган.

Шунингдек, Техрондаги Гулистон кутубхонасида сақланаётган Султонали Машҳадий дастхатига мансуб қўлёзмада Умар Хайёмнинг қуйидаги машҳур рубоийси ҳам мавжуд:

Мо лўъбатгонему фалак лўъбатбоз,

Аз рўйи ҳақиқати, на ки аз рўйи мажоз.

Бозича ҳами кунем бар наъти вужуд,

Афтем ба сандуқи адам як-як боз.

Таржимаси:

Бизлар қўғирчоқмиз фалак қурчоқбоз,

Бу сўзим чин сўздир, эмасдир мажоз.

Йўқлик сандиғига кетамиз бир-бир,

Вужуд палосида ўйнагач бироз. ^[1]

“Бобурнома” да хабар берилишича, Султонали Машҳадий ҳар куни Ҳусайн Бойқаро учун ўттиз байт, Алишер Навоий учун йигирма байт китобат қилган. Демак, Умар Хайём шеърлари Навоий замонасида ҳам машҳур бўлган ва севиб ўқилган. Шунингдек, Алишер Навоий қаламига мансуб ушбу байт ҳам юқорида келтирилган рубоий билан ҳамоҳанглиги диққатни тортади:

Ҳама бозеки, лўъбатбоз эрур гардун фиребингға,

Бу лўъбатларки, эл кўнглин олур - онинг қўғирчоғи.

Маълумки, XV аср ўзбек мумтоз адабиётида анъанавий мавзулар давом эттирилиши баробарида, реал ҳаёт тасвири, таржимаи ҳол (ҳасби ҳол) хусусиятлари асарларга кенгроқ кириб кела бошлади, кенг китобхонлар оммаси учун тушунилиши осон бўлган услубда асар яратиш тамойили кучайди. Бобур ижодида ҳам бу ҳол ёрқин кўринади. Албатта, Умар Хайём ва Бобур яшаган даврлар орасида талай тафовут мавжуд. Аммо адабий-маданий анъаналар, ўша давр ижодий жараёнининг умумий қонуниятлари юзага келгани ҳам табиий. Бобур, асосан, Навоийга эргашган, ундан таъсирланган бўлса-да, унинг туркий тилдаги рубоийлари мазмунининг ғоят теранлиги, ифода тарзининг соддалиги, фикрнинг очиқлиги, бадий санъатларга бойлиги, мусиқий оҳанги билан Умар Хайём рубоийларини эслатади. Туйғулар самимияти, ўқувчи билан ўзини тенг тутиб мурожаат қилиши, ўз қусурларини ҳам очиқ тилга олиши, ўзига талабчанлик, мурасасизлик сингари хусусиятлар Умар Хайёмга жуда яқин келади.

Бобур ўзига нисбатан ҳам ўта талабчан, масъулият ҳисси кучли, ғайрат-шижоатли

донишманд бир инсон сифатида кўпгина рубоийларида ўз-ўзини аёвсиз таҳлил ва тафтиш қилса, Умар Хайём файласуф шоир сифатида дунёнинг ўткинчилигини уқтиради, муҳитни кескин танқид остига олади. Бу – бежиз эмас. Нима бўлганда ҳам, бу икки шоир ижоди кўп жиҳатлардан муштараклик касб этади. Буни айрим мисолларни қиёслаш орқали ҳам пайқаш мумкин. Умар Хайём:

Май ичма дейдилар, ортар фиғонинг,

Қиёматда дўзах бўлар маконинг.

Бу ҳақ, аммо арзир икки жаҳонга -

Май ичиб, ширакайф бўлган бир онинг.

Бобур:

Май таркини қилғали эрурмен ғамлик,

Бор тийра кўнгулға ҳар замон дарҳамлик.

Ғам бирла фарсудалиқ ҳалок этти мени,

Май бирла эмиш шодлиғу хуррамлик.

Бобур мирзонинг ўзи эътироф этганидек, 11 ёшидан сўнг бутун ҳаёти давомида Рамазон ҳайитини икки марта бир ерда кутиб олиш унга насиб этмаган. Шоҳ ва шоир фалак найранглари, замона носозлиги, тақдир номардликларидан ғоят безганлиги

маълум. Ана шундай ҳолатларда “бош олиб бир сори” кетиш истаги ғалаён қилганлиги унинг бир неча шеърларига муҳрланган:

Кўнгли тилаган муродига етса киши,

Ё борча муродларни тарк этса киши.

Бу икки муяссар ўлмаса оламда,

Бошини олиб, бир сори кетса киши.

Бундан ташқари у яна бешта рубоийсида “бош олиб кетиш” фикрини баён қилади: “Бошни олибон бир сори кетмак мушқил”, “Бошимни олиб кетгай эдим юз қотла”, “Бошимни олиб, қай сори кетгаймен?”, “Бошимни олиб бир сори кетгаймен”, “Бошимни олиб аёқ етганча кетай!”

Бобурда “бош олиб кетиш” ниятининг фақат биттаси муҳаббат билан боғлиқ бўлса (“Бошимни олиб кетгай эдим юз қотла, Бўлмаса эди сочингға дилбасталиғим”), Умар Хайёмда иккитаси шундай (“Бош – йўлин тупроғи, То ғам бошимизга солгунча ғавғо”). Биттаси эса ҳаётий муаммолар, иложсиз ҳолат, тушкунлик кайфияти билан боғлиқ (“Улким бош косасин бино қилибтур”).

Бобурда бирор ёққа бош олиб кетиш хусусида гап борса, Умар Хайёмда ғоя янада кескин тус олиб, дунёдан йўқолиб кетиш даражасига етади. Бундан маълум бўладигани, Бобур чорасиз аҳволда қолган лаҳзаларда айни фикрга келган бўлса, Умар Хайём бутунлай тушкунликка тушганида шундай мисраларни битган. Шунингдек, Умар Хайём атрофдаги кишилар, мавжуд муҳит билан ҳам турли мураккабликларни бошдан кечирганлиги бошқа шеърларида очиқ-ойдин кўзга ташланадигани, бу унинг тушкун кайфияти, умидсиз ҳолатлари ҳақидаги юқорида айтилганларни тасдиқлайди.

Бобур ва Умар Хайём халқона сўз ва ибораларни топиб қўллашда ҳам маҳорат

кўрсатганлар. Мисол учун, уларнинг кўз билан боғлиқ иборалар қўлланилган рубоийларини келтириш мумкин:

Бобур:

Жисмимда иситма кунда маҳкам бўладур,

Кўздин учадур уйқу чу оқшом бўладур.

Ҳар иккаласи ғамим бирла сабримдек,

Борғон сори бу ортадур, ул кам бўладур.

Умар Хайём:

Хўрагимни май-ла тўкис - бут қилинг,

Қаҳрабо юзимни нақ ёқут қилинг.

Жаҳондан кўз юмсам, шаробга ювиб,

Ток зангидан менга бир тобут қилинг.

Ҳар икки муаллиф ўз асарларини беморлик пайтларида ёзганлари кўриниб турибди. Албатта, кўздан учиш ибораси икки шоирда икки маънода қўлланган: Бобурда – уйқунинг кўздан учиши, Умар Хайёмда – умр йўлининг кўздан ўтиши.

Бобур рубоийсида бадиийлик кучли: у шу оддий ҳаётини воқеликдан ҳам бадиий юксак

рубойи яратиш учун усталик билан фойдаланади: иситма билан уйқу ғамим билан сабримга ўхшайди – борган сари ғамим ортиб, сабрим камайгани сингари иситма ҳам кучайиб, уйқум ўчиб бормоқда. Бу ерда шоир иситмани ғамга, уйқуни сабрга ўхшатиш билан **ташбеҳ**, бу деганда ғамни, у деганда сабрни кўзда тутиш билан **лаффу нашр**, кўздан учиш иборасини қўллаш орқали **ирсоли масал**, иситмага уйқуни, ғамга сабрни қарши қўйиш билан **тазод** санъатларидан маҳорат билан фойдаланган.

Аmmo Умар Хайём рубойиси ҳам ўринли қўлланилган бадиий санъатлардан холи эмас: “кўз юммоқ” ибораси – **ирсоли масал**, “қаҳрабо юз” дейиш орқали **истиора**, **савол-жавоб** санъати, дард-даво сўзларини қўллаш орқали **тазод**, қаҳрабо, ёқут каби бир-бирига боғлиқ сўзларни ишлатиш билан **таносуб** санъатлари қўлланган.

Бошқа жиҳатлардан олиб қараганда ҳам, Бобур ва Умар Хайём рубойларида тил, услуб, ифода тарзи, оҳанг жиҳатидан яқинликлар, муштаракликлар мавжуд экани маълум бўлади. Бу, биринчидан, ўша давр адабиётининг етакчи тамойиллари билан изоҳланса, иккинчидан, шоирларнинг ижодий принципларидан келиб чиқади. Чунки уларнинг ҳар иккаласи ҳам содда ва барчага тушунарли тил, енгил ва раvon услубда, очиқ ва самимий ёзиш тарафдорлари бўлганлар.

Умар Хайёмда Ҳақнинг абадийлиги, хоҳиш-ирода ҳам унга тегишли эканлиги ҳақида сўз юритувчи қуйидаги рубойи мавжуд:

Сенсиз ўқигандан меҳробда намоз,

Майхонада сенга сир айтганим соз.

Аввал - сен, охир - сен, сенсиз бари пуч,

Майли, ўтга ташла, ё айла навоз.

Бобурнинг қуйидаги рубойиси ҳам мавзу ва фалсафий-ғоявий жиҳатдан юқоридаги

рубойига ғоят ҳамоҳангдир:

Ё қаҳру ғазаб бирла мени туфроқ қил!

Ё баҳри иноятингда мустағрақ қил!

Ё Раб, сенгадур юзум қаро гар оқ қил,

Ҳар навъ сенинг ризонг эрур, андоқ қил!

Хулоса қилиб айтганда, ўзаро ижодий таъсир масаласини салафларга эргашиш, замондошларга пайравлик ёки муайян илмий ахборот ташувчи манбалар асосидагина эмас, балки услуб, оҳанг, ғоявий-фалсафий хусусиятлар уйғунлиги воситасида ҳам асослаш мумкин.

Ҳабибулла ЖЎРАЕВ

“Шарқ юлдузи” журнали, 2015–3

^[1] Шоислом Шомуҳаммедов таржималаридан фойдаланяпмиз.